

Кузнинг совук, ёгин-сочинли палласида ёмгирдан шилтаси чикиб, эгри-бугри, корамтир гилдирак изларидан топталиб ётган Туланинг кенг йўлларида бирида тебраниб бораётган тўрт гилдиракли соябон арава узун ёгоч уй каршисига келиб тўхтади: уйнинг бир тарафида подшолик тасарруфидаги почта бекати, нариги томонида эса йўловчилар хордик чикариб тунаб қолиши ёки самовар кайнаттириб, тамадди килиб олиши мумкин бўлган хусусий мусофирхона жойлашган. Лойга ботган араванинг соябони тепага ярим кўтарилган, извошга кўшилган учта жайдари отнинг думи балчик сачрамаслиги учун тугиб кўйилган эди.

Извошчининг жойида — ўриндикда белини махкам сириб олган, корамагиз гази тунд ва жиддий чорпахил мужик ўтирибди; камдан-кам кишиларда учрайдиган коп-кора, куюк соколи уни кадимги карокчиларга ўхшатиб турарди; соябон остида катта шалкали, николайча кундуз ёкали кулранг шинель кийган басавлат харбий қария ўтирар, унинг кошлари хали тим-кора бўлса ҳам, мўйловига туташган чакка соколи оппок оқариб кетган эди; ияги за багбакаси тозалаб кирилган, умуман, у ташки кўринишдан Александр II га шундай ўхшаб кетардики, бу ўхшашлик Александр II даврида яшаган харбий кишиларнинг деярли барчасида учрар-ди; унинг карашлари ҳам катъий, саволомуз, шу билан бирга, бирмунча хоргин эди.

Отлар тўхтаган захоти у тик, текис кўнжли харбий-ча этикдаги оёқларини аравадан пастга осилтирди-да, бугу терисидан тикилган кўлкопли кўллари билан шинелининг этакларини тутган кўйи ёгоч уй ёнидаги майдончага сакраб тушди.

— Чапга юринг, зоти олийлари,— дея извошчи ўриндикдан турмай дагал товуш билан кичкирди; харбий киши остонадан хатларкан, баланд гавдасини сал энгаштирганча, аввал дахлизга, кейин мекмонхонага кирди.

Мехмонхоиа озода, саранжом аа иссиқкина эди. Чап томондяги деворга зар халли авлиё суврати осилган, унинг остида топ-тоза, дагалрок матодан тикилган дастурхон ёзиглик стол, стол теграсида ялтиратиб ювиб кўйилган тахта харраклар. Хонанинг ўнг бурчаги-да яқинда бўр билан окланган лэшхона печкаси; ён гомонда ола-була от ёпкичи ёпилган кат — суянчиксиз диванга ўхшаш бир нарса печканинг бикинига такаштириб жойлаштирилган; печка тарафдан кўк шўрванинг, хил-хил пишиб ётган кўй гўшти, карам ва дафна баргининг коришиқ, лаззатбахш хиди таралади.

Мехмон шинелини ечиб тахта ўриндикка кўйди, мундири, пўрим харбий этиклари яккол кўзга ташланиб, гавдаси янада басавлат тус олди, кейин кўлкоп аа бош кийимини ечди-да, озгин, рангпар кўллари билан сочини кетма-кет хоргин таради — оппок, куюк сочлари иккала чаккаси узра фатила-фатила бўлиб тушди, билинар-билинемас чечак асорати колган чўзинчок, чиройли юзида, кора кўзларида фавкулудда бир жон-ланиш пайдо бўлди. Мехмонхонада хеч ким кўринмас-ди, у дахлиз эшигини очаркан, овозини баралла кўйиб кичкирди;

— Хой, одам борми бу ерда?

Шу захотиёк мехмонхонага кора сочли, кора кошли, ёши ўтинкираб колганига карамай, хали-хамон диловар, кекса лўли хотинларга ўхшаган бир аёл кириб келди. Унинг енок чаккалари, дудогининг устки кисми нафис туклар — ирнлар билан безанган эди. Комати тўла бўлса ҳам, кушдек енгил ва нозик одимлар, бўлик кўкраклари кизил кофтасини туртиб турар, кора жун юбкаси остидаги корни эса, худди гознинг корнидай, учбурчак бир тарзда кўринар эди.

— Хуш келибсиз, зоти олийлари,— деди у.— Тамадди килмокчимилар ёки самовар кўйишни буюрадиларми?

Мусофир киши аёлнинг дум-думалок елкасига, тўзгиброк колган кизгиш татарча бошмокли хушбичим оёқларига бирров кўз югуртирди ва эътиборсизлик билан киска-киска килиб деди:

— Чой ичмокчиман. Бу ернинг бекасимисан, хизматкормисан?

— Бекаман, зоти олийлари.

— Демак, мехмонхонани ёлгиз ўзинг бошкарасан?

— Худди шундай, зоти олийлари, ўзим.

— Бу канакаси бўлди, а? Хамма ишни кўлингга олволибсан, ё тулмисан дейман?

— Эр килмадим, зоти олийлари, аммо — сабаби тирикчилик, колаверса, ўзим хам хўжалик ишлари билан шугулланишни яхши кўраман.

— Ха-ха, шундай дегин. Кўп яхши. Уйни покиза тутаркансан, бу ишиг менга маъкул. Аёл синовчан нигоҳини харбий кишидан бир нафас бўлсин узмас, андак кисилган, хаёлчан кўзлари унга кадалган эди.

— Покизаликни хам жокимдан ортик кўраман,— дея жавоб берди у.— Ахир, аслзодалар хонадонидан ўсдим, тарбият топдим, шундай бўлгач, рўзгор тутишим хам шунга яраша бўлади-да, Николай Алексеевич.

Мусофир илкис каддини ростлади, кўзлари катта-катта очилиб, юзлари кизариб кетди.

— Надежда! Сенмисан?— деди у шоша-пиша.

— Менман, Николай Алексеевич,— дея жавоб берди аёл.

— Ё раббий, ё раббий, буни кара-я!—деди мусофир тахта ўриндикка ўтираркан, кўзларини хамон аёлдан узмай.— Ким хам шундай бўлишини ўйлабди дейсан?

Кўришмаганимизга неча йил бўлди экан-а? Ўттиз беш йилми?

— Ўттиз йил, Николай Алексеевич. Мен кирк саккизга кирдим, сиз хам олтмишга бориб колгандирсиз?

— Шунга якинрок... Ё тавба, жуда кизик бўлди, а?

— Нимаси кизик, таксир?

— Хаммаси, хаммаси-да... Нахотки тушунмаётган бўлсанг!

Мусофирнинг хоргинлиги ва паришонлигидан асар хам колмаган, энди у ерга тикилганча мехмонхона бўй-лаб кескин одимлар эди. Бир пайт у шартта тўхтади, юзлари лов-лов ёниб, сўз бошлади:

— Ўшандан кейин сен тўгрингда хеч нарса эшитмадим. Кандай килиб бу ерларга келиб колдинг? Нега аслзодалар хонадонидан кетдинг?

— Сиз кетганингиздан кейин улар менга хам жавоб бериб юборишди.

— Кейин каерларда яшадинг?

— Сиз сўраманг, мен айтмай кўяколай, таксир.

— Эрга хам чикмадим, дедингми боя?

— Ха, таксир.

— Нима учун? Шунчалик хусни латофатинг бўлату-риб-а?

— Журъат килолмадим, таксир.

— Нега журъат килолмадим, дейсан? Нима деганинг бу?

— Нимасини хам айтай энди? Балки ёдингиздадир, ахир сизни канчалар яхши кўрардим...

Мусофир бу сўзлардан беҳад мутаассир бўлди, азбаройи кизариб кетганидан кўзларига ёш калқди, сўнгра ковок уйиб, яна хона бўйлаб нари-бери одим-лай бошлади.

— Хамма нарса ўткинчидир, азизим,— дея гудранди у.— Мухаббат, ёшлик — хамма-хаммаси фонийдир. Нима бўлган бўлса, ўтди-кетди. Хаммаси дахмазау бемазагарчиликдан иборат. Вақти хелиб, бари унутилади. Иовнинг мукаддас китобида бу хусусда нима дейилган, биласанми? «Окиб кетган сувлар янглиг хотирлагайсан».

— Нима бўлсаям, пешонада бори бўларкан, Николай Алексеевич. Ёшлик-ку, ҳеч кимсага вафо қилмайди, аммо мухаббат — бошка нарса.

Николай Алексеевич бошини хиёл кўтариб, юришдан тўхтади-да, хасратли кулимсираб кўйди:

— Сен мени бир умр севолмасдинг-ку, ахир!

— Йўк, севишим мумкин эди; ўшандан буён канча йиллар ўтди, аммо мен ёлғиз мухаббатим билан яшадим. Сизнинг аввалгидай эмаслигингни, орамизда неки ўтган бўлса, барини унутмогингни мумкинлигини, бу билан ҳеч нарса йўқотмаслигингни ҳам билардим... Лекин, ҳозир... Энди гина-кудурат қилиб ўтиришдан ҳеч қандай наф йўқ, албатта; аммо, тўгрисини айтганда, ўшанда сиз мени жуда шафқатсизларча ташлаб кетган эдингиз — мана шунинг учун ҳам ўзимни ўзим бир неча бор ўлдирмокчи бўлганман, сизни деб чеккан азобларимни айтиб адо қилиб бўлмайди. Николай Алексеевич, ёдингиздами, қандай даврлар эдики, ўшанда сизни Николенька деб чақирардим, сиз эса мени, эслайсизми, нима деб атардингиз? Айтгандай, мендан лутфингни дариг тутмай, қандайдир «Хилват хиёбонлар» тўгрисидаги шеърларни ўқисам ҳам индамас эдингиз,— дея нохуш жилмайганча кўшиб кўйди аёл.

— Эх-хе, сен хақиқатан ҳам ажойиб эдинг!— деди меҳмон армон билан бош чайқаркан.— Қандай жозибадор, қандай диловар эдинг-а! Кўзларинг ёниб турарди, жуда хушқомат эдинг. Эсингдами, сени кўрганда хамма ортингдан ниҳоясиз хайрат билан термилиб қоларди?

— Эсимда, таксир. Аммо сиз ҳам ўшанда гоят ажойиб эдингиз-да. Ана шунинг учун ҳам мен бор хусни латофатимни, бутун ёшлик жозибамни сизга фидо қилган эдим. Ахир, буларни унутиб бўларканми!

— Ха-ха! Хаммаси ўтаркан. Хаммаси унутиларкан.

— Тўгри, хамма нарса ўтади-ю, аммо хамма нарса ҳам унутилавермас экан-да.

— Бас, бас, мени холи кўй,— деди меҳмон тўсатдак ва қайрилиб дераза ёнига борди.— Илтимос, чиқиб кет бу ердан,— дея ёлворди у, сўнг дастрўмолини олиб, охиста кўзларига босди-да, бидирлаганча:— Ишкилиб: мени худо кечирсин,— деди.— Сен-ку кечирган кўринасан-а...

Аёл эшик олдида етганда такка тўхтади:

— Йўк, Николай Алексеевич, мен сизни кечирмаганман. Модомики, гап хиссиётларимиз хақида бораркан, тўгрисини айтмай иложим йўқ гуноҳингиздан ўтишни харчанд истасам-да, харгиз кечиролмадим. Ўша пайтларда сиз мен учун ёруғ дунёдаги энг азиз киши эдингиз, кейин ҳам шундай бўлиб қолдингиз. Шу важдан ҳам сизни кечиролмадим. Қелинг, яхшиси, шуларни эслаб ўтирмайлик, гўрга қирган қайтиб чиқармиди ҳеч жаҳонда!

— Ха-ха, тўгри, ўтган ишга саловат; буюр, отни кў-шишсин,— деди мусофир дераза олдида нари жилар-кан, бирмунча жиддий, совуққон охангда

— Аммо, мен сенга айтсам, хаётда сира омадим юришмади, бахтиёр бўлолмадим, тагин бошқача ўйлаб юрма илтимос. Балки менинг гапларим сендаги худқашлик, иззатталаблик хиссиётига зиддир; балки улар сени таҳқир этар, бироқ мен очигини айтаман: хотинимни кўр-кўрона, телбалардек севар эдим. У эса, аввал хиёнат қилди, сўнг мен сени ташлаб

кетгандагидан кўра ҳам баттар тах-кирлаб, ташлаб кетди. Ўғлимга каттик меҳр қўйган эдим — вояга етгунича унга не-не умидлару не-не орзуларимни боғлаган эдим-а! У эса одам эмас, исрофгар, сурбет, имонсиз, виждонсиз, ярамас бир хайвон бўлиб чикди... Сирасини айтганда, буларнинг хаммаси турмушдаги ўша дахмазаю бемазагарчиликнинг бир кўриниши холос. Хўп, майли, омон бўл, азизам, Ўйлаб карасам, сендан айрилиб, мен ҳам хаётдаги энг бебахо гавхаримдан жудо бўлган эканман
Аёл унга якин келди, эгилиб кўлини ўпди; Николай Алексеевич ҳам унинг қўлларидан ўпди.

— Буюр, отларни кўшаверишсин...— деди у. ...Соябон арава хусусий мусофирхонадан олислаб бораркан, Николай Алексеевич хомуш ўйлар эди: «Ха, жудаям чиройли эди, гўзал эди, сохира эди!» У хайрлашаётиб айтган сўнги сўзларини эсга олди ва Надежданинг факат қўлларидан ўпганини эслаб уялди, аммо шу захотиёк уятчанлигидан хижолат чекди. «У менга умрининг энг гўзал даврини, олтин дакикаларини бахш этгани рост эмасми, ахир?!»

Сўник куёш эндигина уфкка бош қўйган эди. Из-вошчи ҳам алланарсаларни ўйлаган кўйи отларни йўрттириб борар, арава катта йўлдаги сон-саноксиз, коп-кора гилдирак излари бўйлаб шалоплаганча тебрана-тебрана елар эди. Нихоят, извошчи кўпол, тўпори товуш-да сўз котди:

— Анави хотин, зоти олийлари, жўнашимиз биланок дераза олдига келиб оркамиздан термилиб колди. Аввалдан танишлигингиз бўлса керак-да, зоти олийла-ри?

— Ха, Клим, таниш эдик.

— Акли расо хотин у. Жуда бойиб-битиби кетаётганмиш — хамманинг огзида шў гап. Карзга пул ҳам бериб туради.

— Шуям мартаба бўпти-ю!

— Мартаба бўлмай-чи! Тўкин-сочин яшаш кимгаям ёкмайди! Аммо, ростини айтганда, ўзи жуда яхши хотин-да. Бировга зигирча ёмонлик килганини хали ҳеч ким эшитмаган. Жарак-жарак пулни карзга беради-ю, баъзи бойвуччалардай тирриклик килмайди. Лекин, ўз ишига пишик — каттик хотин! Ландавурлик килиб карзни вақтида тўламасанг, ўзингдан ўпкала, аяб ўтирмайди.

— Ха-ха, ўзингдан ўпкала... Тезрок хайда, мунча имилламасанг, поезддан кечикиб колмайлик тагин...

Уфкка чўкиб бораётган куёшнинг қахрабо ёғдулари кимсасиз далаларда танхогина жилваланар, отлар ўтлок йўлдан, худди сузиб кетаётгандек, бир маромда чошиб борар эди. Николай Алексеевич отларнинг ялт-юлт кўзга чалинаётган такаларига термилиб ўтираркан, кора кошларини чимирганча ўйлар эди:

«Ха, ўзингдан ўпкала. Ажойиб дамлар эди-да ўшанда! Наинки ажойиб, чинакам афсунгар дамлар эди! «Атрофда наъматак гул очмиш алвон, хилват хиёбонлар шивирлар танхо...» Ё раб, ё раб, кейин нима бўлган эди ўзи? Агар Надеждани ташлаб кетмаганимда нима бўларди? Кандай бемаънилик, кандай бемазагар-чилиг-а! Ахир, мана шу Надежда хароб бир мусофирхона сохибаси бўлмай, менинг хотиним бўлиши, Петербургдаги хонадонимга бека, болаларимга она бўлиши ҳам мумкин эди-ку?!»
У кўзларини беҳол юмиб, бошини охиста чайкаб қўйди.

